

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ , ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТошПТИ ректори

Б.Т.Даминов

“ ”

2024 й.



**ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ
ЙЎРИҚНОМАСИ**

ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ

Бўлим бошлиғини лавозими йўриқномаси

- Бўлимнинг барча фаолияти ва ходимларини умумий бошқариш;
- Бўлимнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигини буйруқлари, кўрсатма хатларини шунингдек, ректор буйруқларининг факультетлар, кафедралар, бўлимларда бажарилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;
- Институт илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятини ташкиллаштириш;
- Бўлимга келган топшириқлар асосида ички буйруқларни ишлаб чиқиш тасдиқлатиш ва кафедраларга юбориш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини институт докторантура, таянч докторантура ҳамда мустақил изланувчиларга етказиб бориш;
- Доимий Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан инновациялар вазирлиги, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан келган буйруқ ва бошка топшириқларга ўз муддатида бажаришни назорат қилиш;
- Институтда маҳаллий ва хорижий грантларда иштирок қилиш талабномаларни ташкиллаштириш, ва уларга бўлган талабларини бажарилишини назорат қилиш;
- Республикамиз Инновацион ривожланиш агентлиги билан узий алоқада бўлиш ҳамда йил давомида режалаштирилаётган грант лойиҳалар танлови эълонини кафедраларга етказиш;
- Илмий – тадқиқот ишлари режасини тузиш, докторантура, таянч докторантурага талабгорларнинг квотасини тузиш ва тегишли бошқармаларга талабномаларни етказиш;

- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар қабул қилиш жараёнини режалаштириш ва ташкилаштириш ҳамда иштирок этишни таъминлаш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар билан илмий ишларни олиб бориш, ҳужжатларни шакллантириш, диссертация ишини олиб бориш босқичлари, илмий мақолаларни тайёрлаш ва тақдим этиш масалалри бўйича мунтазам семинарлар ўтказиш;
- Таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг малакавий имтиҳонларини ўтказиш режасини тузиш, ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг йил чораклари ва якуни бўйича ҳисоботларни ташкил қилиш ва Институтнинг илмий ишлари ва инновациялар бўйича проректори билан биргаликда ўтказиш;
- Институтда фаолият кўрсатаётган кафедралардаги докторантура ва таянч докторантура илмий салоҳиятини ошириш бўйича мониторинг олиб бориш;
- Докторантура, таянч докторантура изланувчиларининг Ўзбекистон республикаси Президент стипендияси танловида иштирок этишини таъминлаш, тегишли ҳужжатларни топширишда йўналтириш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар билан илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш амалий ёрдам бериш;
- Республикамизда ва Ҳориж мамлакатларида уюштирилаётган илмийғамалий конференцияларда докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг докладлар билан фаол иштирокини таъминлаш;
- Институт билан Республика корхона, ташкилот ва муассасалари ЎзР ФА илмий тадқиқот институтлари маркази, шунингдек, етакчи ОТМлари билан илмий-тадқиқот ва илмий педагогик фаолият йўналишида бирга

ишлаш иш шартномаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан инновациялар вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Статистика бошқармаси, ССВГи, Фан ва таълим бошқармаси ҳисоботларни ўз муддатида топширишни назоратини олиб бориш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг фан, таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини (олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш) ташкиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, уларнинг сифати ва самараси мониторингини олиб бориш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларни хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотларга жалб этиш, кафедралар яратилаётган илмий ишланмаларни тиббиётга татбиқ этилиши, инновацион ҳамкорлик ишлари ва ярмаркаларга фаол иштирок этишини таъминлаш;
- Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиш;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиш.

ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ

1-тоифали илмий - тадқиқот ишлари муҳандиси

лавозими йўриқномаси

- Ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариш, меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш;
- Бўлимга тегишли барча ҳужжатларни ўз муддатида бажариш ва бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан инновациялар вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигини буйруқлари, Фан ва таълим бошқармасининг кўрсатма хатларини шунингдек, ректор буйруқларининг факультетлар, кафедраларда бажарилишини таъминлаш, мониторингини олиб бориш ва олинган маълумотларни умумлаштириб бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Институт илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятини ташкиллаштириш, Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг маълумотларни кафедрадан тўплаш ва умумлаштириб бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш амалий ёрдам бериш мақсадида кафедрадан маълумотларни олиш ва бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар билан илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисобот қабул қилиш ва уларни маълумотларини бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар билан тадқиқот натижаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишни мониторингини олиб бориш ва уларни маълумотларини бўлим бошлиғига тақдим этиш;

• Институтда республикада илмий анжуманларини ташкил қилишда, фаолият олиб боришда методик ва амалий ёрдам кўрсатиш маълумотларни тўплаш ва бўлим бошлиғига тақдим этиш;

• 1-тоифали илмий - тадқиқот ишлари мухандиси олий маълумотга эга бўлиши, намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, масъулият ҳисси, иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш хусусиятларига эга бўлиши.

**Илмий ишлар ва инновациялар
буйича проректор, т.ф.д., профессор:**



С.С. Гулямов

**Илмий педагогик кадрларни тайёрлаш
бўлими бошлиғи, т.ф.д., доцент**



Г.А. Атаходжаева